



5 сентябрь 2017 й.г.

№ 696

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги
тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, амбулатория-поликлиника ва стационар тиббий ёрдам кўрсатаётган ташкилотларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2017 йил 1 декабрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

ушбу қарор билан тасдиқланган Низомнинг мазмун-моҳияти ўзининг идоравий мансуб тиббиёт ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари ҳамда аҳолига, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали етказилишини таъминласин.

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг bajariliшини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги А.К.Шадманов зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов



**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги
тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида (кейинги ўринларда тиббиёт ташкилотлари деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш учун миқозларни йўллаш ва тиббиёт ташкилотларида тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ёки имтиёзли шахслар тоифаси учун кўрсатилган тиббий ёрдам учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган туман, вилоят ва республика миқёсидаги тиббиёт ташкилотларига татбиқ этилади.

Ушбу Низомнинг амал қилиши шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш тартибига татбиқ этилмайди.

3. Тиббий ёрдам турлари, ҳажми ва тиббий ёрдамнинг сифати стандартлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

миқоз – касаллиги бор ёки йўқлигидан ва соғлиғининг ҳолатидан қатъи назар, унга ёрдам кўрсатилаётган ёки тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган жисмоний шахс;

миқозларнинг имтиёзли тоифаси – ижтимоий мақоми ва/ёки айрим касалликларнинг мавжудлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарорлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган миқозлар тоифаси;

ambuлаторида тиббий ёрдам кўрсатиш – туну кун кузатишга муҳтож бўлмаган миқозларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам;

стационарда тиббий ёрдам кўрсатиш – туну кун кузатиш, парвариш қилиш ва даволашга муҳтож бўлган миқозларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам;

шифохонага ётқизиш – стационарда тиббий ёрдам кўрсатиш учун миқозни тиббиёт ташкилотига жойлаштириш;

тиббий-танлов комиссияси – миқозни шифохонага ётқизиш белгилари мавжудлигини аниқлаш учун туман (шаҳар), вилоят (Тошкент шаҳри) ва республика миқёсидаги тиббиёт ташкилотларида ташкил этиладиган комиссия.

2-боб. Мижозларни тиббиёт ташкилотларига йўналтириш тартиби

5. Тиббий ёрдам кўрсатилиши учун йўлланма олиш учун мижоз яшаш жойи бўйича қишлоқ врачлик пунктларига, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаларига мувожаат қилади.

6. Мижозларни тиббий ёрдам олишнинг даражасига мувофиқ тиббий ёрдам олиш учун йўналтириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникалари томонидан – тиббиёт бирлашмаларининг тегишли марказий кўп тармоқли поликлиникаларига йўлланма берилади. Бунда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича диспансер рўйхатида турган мижозларга йўлланмалар тўғридан-тўғри касаллик ихтисослиги бўйича тегишли вилоят тиббиёт ташкилотларига берилиши мумкин;

тиббиёт бирлашмаларининг тегишли марказий кўп тармоқли поликлиникалари томонидан – тиббиёт бирлашмаларининг тегишли стационар бўлинмаларига ёки вилоят даражасидаги тиббиёт ташкилотларига;

вилоят даражасидаги тиббиёт ташкилотлари томонидан – республика даражасидаги тегишли тиббиёт ташкилотларига йўлланма берилади.

7. Тошкент шаҳрида мижозларни тиббий ёрдам олиш учун йўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

шаҳар оилавий поликлиникалари томонидан – тегишли марказий кўп тармоқли поликлиникаларга йўлланма берилади. Бунда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича диспансер рўйхатида турган мижозларга йўлланмалар касаллик ихтисослиги бўйича тўғридан-тўғри тегишли шаҳар (республика) тиббиёт ташкилотларига берилиши мумкин;

марказий кўп тармоқли поликлиникалар томонидан – шаҳар (республика) даражасидаги тегишли тиббиёт ташкилотларига йўлланма берилади.

8. Имтиёзли тоифага кирадиган йўлланма берилган мижозларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббий-танлов комиссиясининг хулосаси асосида бериладиган ордер расмийлаштирилади.

Зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари мижозларнинг имтиёзли тоифасини бепул тиббий ёрдам олиш учун ўзининг идоравий мансуб тиббиёт муассасаларига йўналтириши мумкин. Имтиёзли тоифага кирадиган мижозларни шифохонага ётқизиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги қарор тиббиёт ташкилотининг тиббий-танлов комиссияси томонидан аниқланади.

3-боб. Тиббиёт ташкилотларида тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби

9. Тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам:

туман (шаҳар) даражасида (пуллик ташкилотлар, бўлим ва палаталар бундан мустасно) – аҳолининг (мижозларнинг) барча тоифаларига;

вилоят (Тошкент шаҳри) ва республика даражаларида (пуллик ташкилотлар, бўлим ва палаталар бундан мустасно) – мижозларнинг имтиёзли тоифаларига кўрсатилади.

Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмидан ташқари тиббий ва бошқа ёрдамлар қўшимча ҳисобланади ва мижоз томонидан белгиланган тартибда уларнинг ҳақи тўланади.

10. Кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида ёки нотўғри қўйилган ташхис ёки тиббиёт ташкилотининг тиббиёт ходимлари ҳаракатлари туфайли юзага келган асоратлар билан боғлиқ кўшимча харажатлар тегишли тиббиёт тишкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланади.

11. Умумий амалиёт врачининг йўлланмаси бўйича тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникалари тиббиёт ходимлари мижозга тегишли тиббий ёрдам кўрсатади ва кейинги даволаниш тартибини қуйидагича белгилайди:

мижозга стационар шароитида тегишли тиббий ёрдам кўрсатилишига эҳтиёж бўлмаган ҳолларда – мижоз яшаш жойи бўйича кейинчалик амбулатория шароитида даволаниши учун тегишли тавсиялар билан умумий амалиёт врачига қайта йўналтирилади;

мижозга стационар шароитида тегишли тиббий ёрдам кўрсатилишига эҳтиёж бўлган ҳолларда – мижознинг тиббий ҳужжатлари кўриб чиқиш ва хулоса бериш учун тиббиёт бирлашмасининг марказий кўп тармоқли поликлиникаси қошидаги тиббий-танлов комиссиясига топширилади.

Мижозга кейинчалик шифохона шароитларида тиббий ёрдам кўрсатилиши зарурлиги тасдиқланган ҳолда - тиббий танлов комиссияси хулосаси асосида мижозга туман (шаҳар) ёки вилоят (Тошкент шаҳри) даражасидаги тегишли тиббиёт тишкилотига йўлланма берилади.

12. Тиббий-танлов комиссияси таркиби ва тиббий ёрдам кўрсатиш даражасига боғлиқ равишда шифохонага ётқизишга кўрсатмаларни аниқлаш тартиби ҳамда мижозларни республика даражасидаги тегишли тиббиёт тишкилотларига йўналтирувчи тиббиёт тишкилотлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

13. Агар мижоз тиббий ёрдам олиш учун тегишли йўлланмасиз (ордерсиз) тиббиёт ташкилотига бевосита мурожаат этса, тиббий ёрдам белгиланган тартибда пуллик асосда кўрсатилади, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно.

14. Тиббий ёрдам олиш учун туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги тиббиёт тишкилотига берилган йўлланма қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади, унинг шакли ва сақлаш муддати белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

15. Мижозлар тиббиёт ташкилотларига қабул бўлими (регистратура) томонидан қабул қилинади, улар мижозларни иш тартиби, тиббий ёрдамлар рўйхати, ушбу ёрдамни кўрсатиш ва олиш шарт-шароитлари, врач-мутахассислар малакаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи бепул, тушунарли ва ишончли ахборот билан таъминлашлари шарт.

16. Тиббиёт ходимлари мижозларга уларнинг соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан, текшириш натижалари, қандай касали борлиги, қандай ташхис қўйилганлиги, касалликнинг бундан буён қандай кечишига оид тахминлар, даволаш усуллари ва бу усуллар билан боғлиқ хавф-хатар, тиббий аралашувнинг эҳтимол тутилган турлари ва уларнинг оқибатлари, амалга оширилган даволашнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Мижозларнинг талаби бўйича уларга тиббий ҳужжатлардан уларнинг саломатлиги ҳолатини ақс эттирувчи кўчирма тақдим этилади. Мижозларга тиббий ҳужжатларнинг асл нусхаларини бериш тақиқланади.

Тиббий ҳужжатларнинг шакли, уларни тўлдириш тартиби ва сақлаш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

17. Мижозларнинг тиббий ҳужжатларидаги мавжуд маълумотлар врач сири бўлиб, у фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларда мижознинг розилигисиз тақдим этилиши мумкин.

18. Мижознинг ўз касалига доир маълумотларни билган ҳолда ўз ихтиёри билан розилик бериши тиббий аралашувнинг дастлабки зарур шартидир.

Мижознинг аҳволи ўз хоҳиш-иродасини изҳор этишга имкон бермайдиган, тиббий аралашувни эса кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда мижознинг манфаатини кўзлаб тиббий аралашувни амалга ошириш масаласини консилиум ҳал қилади, башарти консилиумга йиғилишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасасининг мансабдор шахсларини хабардор қилиш шarti билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор ҳал этади.

4-боб. Яқунловчи қондалар

19. Тиббиёт ташкилотларининг раҳбарлари йўлланмаларнинг тўғри берилиши ҳамда тасдиқланган тиббий ёрдам сифати стандартларига ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатилиши учун жавоб беради.

20. Қуйидагилар:

ушбу Низомга мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатилишига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ажратиладиган маблағлар мақсадли ишлатилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан;

йўлланмалар тўғри берилишини ва тасдиқланган тиббий ёрдам сифати стандартларига мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

21. Ушбу Низомнинг қондалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.



5 « сентября 2017 й. г. № 696

Тошкент ш. – г. Ташкент

Об утверждении Положения о порядке оказания медицинской помощи в медицинских организациях системы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан

В целях улучшения качества оказания медицинской помощи в медицинских организациях системы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и интеграции деятельности организаций, оказывающих амбулаторно-поликлиническую и стационарную медицинскую помощь, а также эффективного и целевого использования средств, выделяемых из Государственного бюджета Республики Узбекистан на систему здравоохранения, Кабинет Министров **постановляет**:

1. Утвердить и ввести в действие с 1 декабря 2017 года Положение о порядке оказания медицинской помощи в медицинских организациях системы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан согласно приложению.

2. Министерству здравоохранения Республики Узбекистан:

обеспечить доведение до сведения руководителей и работников своих подведомственных медицинских организаций и населения, в том числе через средства массовой информации, сути и значения Положения, утвержденного настоящим постановлением;

совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в месячный срок привести принятые ими нормативно-правовые акты в соответствие с настоящим постановлением.

3. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на министра здравоохранения Республики Узбекистан Шадманова А.К. и Информационно-аналитический департамент по вопросам здравоохранения, экологии, охраны окружающей среды, физической культуры и спорта Кабинета Министров Республики Узбекистан.

Премьер-министр
Республики Узбекистан



А. Арипов

ПОЛОЖЕНИЕ

о порядке оказания медицинской помощи в медицинских организациях системы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан

Глава 1. Общие положения

1. Настоящее Положение определяет порядок направления пациентов для оказания медицинской помощи в медицинские организации системы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан (далее – медицинские организации) и оказания им медицинской помощи в медицинских организациях за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан.

2. Действие настоящего Положения распространяется на медицинские организации районного, областного и республиканского уровня, содержащиеся за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан либо получающие финансирование из Государственного бюджета Республики Узбекистан на оплату медицинской помощи для льготного контингента лиц.

Действие настоящего Положения не распространяется на порядок оказания экстренной и неотложной медицинской помощи.

3. Виды, объемы и стандарты качества медицинской помощи определяются Министерством здравоохранения Республики Узбекистан.

4. В настоящем Положении применяются следующие основные понятия:

пациент – физическое лицо, которому оказывается медицинская помощь или которое обратилось за оказанием медицинской помощи независимо от наличия у него заболевания и от состояния его здоровья;

льготный контингент пациентов – категория пациентов, которым медицинская помощь оказывается за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан в связи с их социальным статусом и/или наличием некоторых заболеваний, определяемых решениями Президента Республики Узбекистан, Правительства Республики Узбекистан и Министерства здравоохранения Республики Узбекистан в установленном законодательством порядке;

амбулаторная медицинская помощь – медицинская помощь, оказываемая пациентам, не нуждающимся в круглосуточном наблюдении;

стационарная медицинская помощь – медицинская помощь, оказываемая пациентам, нуждающимся в круглосуточном наблюдении, лечении и уходе;

госпитализация – помещение пациента в медицинскую организацию для оказания стационарной медицинской помощи;

врачебно-отборочная комиссия – комиссия, создаваемая при медицинских организациях районного (городского), областного (г. Ташкента)

и республиканского уровней для определения наличия у пациента показаний к госпитализации.

Глава 2. Порядок направления пациентов в медицинские организации

5. Для получения направления на оказание медицинской помощи пациент обращается по месту жительства в сельские врачебные пункты, сельские и городские семейные поликлиники.

6. Направление пациентов для получения медицинской помощи по уровням их оказания осуществляются в следующем порядке:

сельскими врачебными пунктами, сельскими и городскими семейными поликлиниками – в соответствующие центральные многопрофильные поликлиники медицинских объединений. При этом для пациентов, находящихся на диспансерном учете по социально значимым заболеваниям, направления могут выдаваться напрямую в соответствующие областные медицинские организации по профилю заболевания;

центральными многопрофильными поликлиниками медицинских объединений – в соответствующие стационарные подразделения медицинских объединений или в медицинские организации областного уровня;

медицинскими организациями областного уровня – в соответствующие медицинские организации республиканского уровня.

7. Направление пациентов г. Ташкента для получения медицинской помощи осуществляется в следующем порядке:

городскими семейными поликлиниками – в соответствующие центральные многопрофильные поликлиники. При этом для пациентов, находящихся на диспансерном учете по социально значимым заболеваниям, направление может выдаваться напрямую в соответствующие городские (республиканские) медицинские организации по профилю заболевания;

центральными многопрофильными поликлиниками – в соответствующие медицинские организации городского (республиканского) уровня.

8. Направленным пациентам льготного контингента для оказания им бесплатной медицинской помощи оформляется ордер, выдаваемый на основании заключения врачебно-отборочной комиссии.

При необходимости Министерство здравоохранения Республики Узбекистан и территориальные органы управления здравоохранением могут направлять пациентов льготного контингента на бесплатное лечение в свои подведомственные медицинские организации. Решение о целесообразности госпитализации пациентов льготного контингента определяется врачебно-отборочной комиссией медицинских организаций.

Глава 3. Порядок оказания медицинской помощи в медицинских организациях

9. Медицинская помощь за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан в медицинских организациях оказывается:

на районном (городском) уровне (кроме платных организаций, отделений и палат) – всем категориям населения (пациентов);

на областном (г. Ташкент) и республиканском уровнях (кроме платных медицинских организаций, отделений и палат) – льготным категориям пациентов.

Медицинские и иные услуги сверх установленного государством гарантированного объема медицинской помощи являются дополнительными и оплачиваются пациентом в установленном порядке.

10. Дополнительные расходы, связанные с проявившимися осложнениями от оказанной медицинской помощи или в связи с неправильно поставленным диагнозом или действием медицинских работников медицинской организации, покрываются за счет внебюджетных средств соответствующих медицинских организаций.

11. Медицинские работники центральных многопрофильных поликлиник медицинских объединений по направлению врача общей практики оказывают пациенту соответствующую медицинскую помощь и определяют его дальнейшее лечение в следующем порядке:

при отсутствии необходимости получения пациентом соответствующей медицинской помощи в стационарных условиях – пациент перенаправляется к врачу общей практики по месту жительства с выдачей рекомендаций для дальнейшего его лечения в амбулаторных условиях;

при необходимости получения пациентом соответствующей медицинской помощи в стационарных условиях – медицинские документы пациента передаются во врачебно-отборочную комиссию при центральной многопрофильной поликлинике медицинского объединения для рассмотрения и выдачи заключения.

На основании заключения врачебно-отборочной комиссии при подтверждении необходимости дальнейшего получения медицинской помощи в стационарных условиях пациенту выдается направление в соответствующие медицинские организации районного (городского) или областного (г. Ташкент) уровней.

12. Состав врачебно-отборочной комиссии и порядок определения показаний к госпитализации в зависимости от уровня оказания медицинской помощи, а также перечень медицинских организаций, которые направляют пациентов в соответствующие медицинские организации республиканского уровня, определяются Министерством здравоохранения Республики Узбекистан.

13. При непосредственном обращении пациента в медицинские организации для получения медицинской помощи без соответствующего направления (ордера) медицинская помощь оказывается в установленном порядке на платной основе, кроме случаев, требующих оказания экстренной и неотложной медицинской помощи.

14. Направление на получение медицинской помощи в медицинских организациях районного (городского), областного и республиканского уровней является документом строгой отчетности, форма и сроки хранения которого определяются Министерством здравоохранения Республики Узбекистан в установленном порядке.

15. Прием пациентов в медицинские организации осуществляется отделением приемного покоя (регистратурой) медицинской организации, которая обязано обеспечить пациентов бесплатной, доступной и достоверной

информацией, включающей в себя сведения о режиме работы, перечне медицинской помощи, условиях предоставления и получения этой помощи, а также сведения о квалификации врачей-специалистов.

16. Медицинские работники обязаны предоставлять пациентам информацию о состоянии их здоровья, включая сведения о результатах обследования, наличии заболевания, диагнозе и прогнозе, методах лечения, связанном с ними риске, возможных вариантах медицинского вмешательства, их последствиях и результатах проведенного лечения.

По требованию пациентов им предоставляются выписки из медицинских документов, отражающие состояние их здоровья. Выдача пациентам оригиналов медицинских документов запрещается.

Формы, порядок заполнения и сроки хранения медицинских документов определяются Министерством здравоохранения Республики Узбекистан в установленном законодательством порядке.

17. Информация, содержащаяся в медицинских документах пациентов, составляет врачебную тайну и может предоставляться без его согласия только по основаниям, предусмотренным в установленном законодательством порядке.

18. Необходимым предварительным условием медицинского вмешательства является информированное добровольное согласие пациента.

В случаях когда состояние пациента не позволяет ему выразить свою волю, а медицинское вмешательство неотложно, вопрос о его проведении в интересах пациента решает консилиум, а при невозможности собрать консилиум – непосредственно лечащий (дежурный) врач с последующим уведомлением должностных лиц медицинской организации.

Глава 4. Заключительные положения

19. Руководители медицинских организаций несут ответственность за правильность выдачи направлений и оказания медицинской помощи в соответствии с утвержденными стандартами качества медицинской помощи, а также требованиями настоящего Положения.

20. Контроль за:

целевым расходованием средств Государственного бюджета Республики Узбекистан на оказание медицинской помощи в соответствии с настоящим Положением осуществляется Главным контрольно-ревизионным управлением Министерства финансов Республики Узбекистан и его территориальными управлениями;

правильностью выдачи направлений и оказанием медицинской помощи в соответствии с утвержденными стандартами качества медицинской помощи осуществляется Контрольной инспекцией Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и её территориальными подразделениями.

21. Лица, виновные в нарушении требований настоящего Положения, несут ответственность в порядке, установленном законодательством.

